


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ПЕШКУ ТУМАН 2-СОН КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

bajarishlari lozim. Yoyilmasini yasash jarayonida o'quvchilar to'g'ridan, ustdan va yon tomondan ko'rinishlarini bemalol o'zları farqlay olishadi.

Buyum modelini yasashni o'quvchilarga o'rgatishdan maqsad juda katta. Birgina mashinasozlik chizmachiligin oladigan bo'lsak, bir mashinaning asosiy mexanizmi ishdan chiqsa, uning nusxasini tayyorlash uchun uning o'lchamlari to'liq olinadi va uning uch ko'rinish va yaqqoli chizib olinadi. So'ng uning nusxasi tayyorlanadi. Birgina mashinasozlik chizmachiligi emas balki chizmachilik fanini soxalarini o'rganish ham juda muximidir. Buyum modelini yasashni o'quvchilarga o'rgatish o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini shakllantirish va yaratuvchanlik qobiliyatini rivojlantirishdan iborat.

МИС ИДИШЛАРНИ ЯСАШНИНГ ТЕХНИК УСУЛИ

А.С.Мусинова - Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Ш.Ж.Ғуломов - Бухоро давлат университети 2-курс талабаси

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири кандакорликдир. Кандакорлик деганда металдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўртик қилиб нақш ишлаш тушунилади. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳарларда металдан ясалган бадий буюмлар ишлаб чиқариш кадимдан ривожланиб келаётган санъат бўлиб, бу санъат ўзининг қадимилиги билан кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради.

XIV асрда металлга бадий ишлов беришда жиддий силжишлар бўлди. Темур ўз даврида халқ хунармандчилиги ривожланишига катта эътибор берди. Темур ва Темурийлар авлоди ҳукмонлик қилган даврда буюмлар ишлаб чиқариш юксак даражада ривожланган. Бу давр халқ амалий санъатининг барча турларида бадий услубнинг ўзгариши билан ҳарактерлидир. Металл буюмларга безак янада ўзгарди, ўсди. Буюмлар нақшлари янада бадийлашди, нозиклашди. Майда ислимий нақшлар, ёзуви нақшлар янада кўп ишланди.

XVIII асрларда кандакорлик яхши ривожланган бўлиб, Бухоро, Кўқон, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши ҳамда Тошкент шаҳарларида кандакорлик буюмлари чиқариладиган марказлар фаолият олиб борган. Ўзбекистон каштачилик, мисгарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари халқ амалий санъати билан бутун дунёга машҳур.

XIX аср охирига келиб кандакорлик буюмларини ясаш ва безаш бўйича ҳар бир шаҳар ва вилоят учун ўзига хос миллий ҳарактерга эга бўлган Бухоро, Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Фарғона кандакорлик мактаблари фаолият кўрсата бошлади.

Тўғарак фаолиятининг мақсади- маданий меърос ва юксак бадийлик миллий анъанани ривожлантириш ундан фойдаланиш, ундаги ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиийматериал билан ишлаш, ёшларда қунт, чидам, қатъиятлиликни камол топтириш, халқ амалий санъатининг қизиқарли ўзига хос турлари хақида билим бериш.

Мис буюмни турли нақш безаклари билан ўйиб безатишнинг ўзига хос бир неча босқичлари мавжуд.

Булар күйидагилардан иборат:

- мис буюмни дасгоҳга ўрнатиш;
- буюмнинг безатиладиган юзаларини аниқлаш ва унинг атрофидаги контур чизикларини чизиш;
- нақш билан безатиладиган юзаларни тақсимлани;
- мис буюмга мос бирор бир тасвир ёки нақш композициясини тузиш
- чизилган тасвир ёки нақш композицияни буюмга кўчириш;
- нақш ёки тасвирнинг контурларини ўйиш;
- нақш ёки тасвирнинг заминини ҳамда элементларини ўйма пардозда пардозлаш;
- мис буюмни дасгоҳдан олиш;
- буюмни тозалаш ва пардозловчи ишлов бериш.

Дастгоҳга мис буюмни ўрнатиш учун дастлаб дастгоҳдаги канифолнинг юзаси олов ёрдамида эритилади. Эритилган канифол устига мис буюмни кўйиб маҳкам ўрнатилади. Мис буюм дастгоҳга керакли даражада ўрнашмаса, иккинчи марта буюм юзасини оловда қизитиб мис буюм керакли даражагача босиб киргизилади. Канифол оловда тез эрувчан ва ёнувчан хусусиятга эга бўлгантиги учун ҳам, ҳар бир кишидан эҳтиёткорлик ҳамда ёнгин хавфсизлиги коидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Дастгоҳга ўрнатилган мис буюм совигандан сўнг унинг безатиладиган юзалари аниқланади. Дастлаб безатиладиган юзалар атрофида контур кўш чизиклар (оддий қалам билан) чизилади. Чизилган чизиклар устидан пўлат қалам ёрдамида ўйиб чиқилади. Фақатгина айлана шаклдаги безатиладиган юзалар бундан мустасно. Одатда, айлана шаклдаги юзаларнинг маркази темир паргор ёрдамида аниқланади. Аниқланган марказда нуқта кўринишидаги кичкина ўйма белги кўйилади. Белгиланган марказдан темир паргор билан безатиладиган юзада безакларнинг атрофидаги контур чизиклар қириб чизилади.

Буюм юзасининг яхлитлиги ёки тақсимланиши олдиндан режалаштирилган нақш композицияга боғлиқ. Агарда ассиметрик нақш ёки тасвир бўлса юзалар тақсимланмайди. Аксинча, мис буюмни симметрик нақш билан безатиш тақсимланмайди. Юбундан ташкари, мўлжалланган бўлса безатиладиган юзалар тақсимланади. Юбундан ташкари, юзаларни тақсимлаш ҳар бир устанинг ижодига, тузилажак композицияга буюмнинг шаклига ва ҳажмига боғлиқ. Масалан мис буюмларнинг безатиладиган юзаси тўртбурчак шаклга эга бўлса, юзани иккига ва тўртга тақсимлаш мақсадга мувофик бўлади. Айлана шаклга эга бўлган мис буюмларнинг безатиладиган юзаларини эса 2, 3, 4, 5, 6, 8, 12 га тақсимлаш мумкин. Юзани тақсимлашда стиркул ва чизгичдан фойдаланилади.

Тақсимланган чизиклар оддий қалам ёрдамида чизиб чиқилади. Юза тақсимлари ва ўлчамлари аниқланиб, унинг бир бўлаги ёки бутун юзасининг ўлчамлари шаффоғ когоғза кўчириб олинади. Хомаки чизмалар умумлаштирилиб камчиликлари тузатилади ва натижада буюмга мос янги композиция яратилади.

Композиция тайёр ҳолатга келганидан кейин оддий қалам билан шаффоф қозға кўчириб олинади. Композиция узоқ муддатга сакланиши учун оддий қалам чизгилари устидан қора сиёҳли ручкада қайта чизиб чиқилади.

Буюм юзаси ортиқча нарсалардан тозаланади. Мис буюмнинг юзасига бир бўлак пластилин суркилади ва уни 3-4 бўлакка бўлиб қўйилади. Буюмнинг безатиладиган юзасига (шаффоф қозғадаги) композицияни қўйиб унинг тагига қора қоз қўйилади ҳамда атрофига пластилин бўлакчалари ёпиштирилади. Кейин эса рангсиз ручка ёрдамида композициядаги нақш ёки тасвир чизиклари устидан юргизиб чиқилади. Агар юза ва нақш тақсимланган бўлса, бу жараён бир неча марта такрорланади.

Мис буюмни ўйиб безашда маҳсус пўлат қалам ва болғачадан фойдаланилади. Ўйиш ишлари пўлат қаламнинг устки қисмидан болғачада зарб бериш билан амалга оширилади. Пўлат қаламнинг ўювчи қисми ўткир учли зајси учли қўринишида бўлади.

Ўткир учли пўлат қаламда мис буюм юзасига турли хил тасвир ёки нақш чизикларини ўйишда ишлатилади. Шунингдек, нақшнинг замини ҳамда нақш элементларини ҳам ўйма пардоzlашда шу пўлат қаламдан фойдаланилади. Накшнинг контурини ўйиш ва нақшнинг заминини ўйиш жараёни эса расмда кўрсатилган.

Бу пўлат қаламнинг ўювчи қисми ўткир учли қўринишга эга бўлиб, мис буюмни ўйганда ўзидан ингичка чизиқ из қолдиради. Ўткир учли пўлат қаламда ўйилган нақш чизикларининг эни одатда 1–1,5 ммни ташкил этса, айrim ҳолларда унинг ўлчами 2 ммгача этиши мумкин. Мазкур пўлат қаламни кандакорлик соҳасига оид адабиётларда “чекув қалам”, баъзан “нақш қалам” деб ҳам юритилади.

Ҳозирги кунда, бадиий безатилган кандакорлик буюмини диккат билан қузатсан ўйилган нақш безакларнинг чуқурлиги турлича эканлигини кўрамиз. Ўйманинг турли чуқурликда бўлиши, кандакор устанинг дидига, иш услубига караб саёз, ўртacha, чуқур ва жуда чуқур ўйиб безатилиши мумкин.

Таъкидлаганимиздек, ўйманинг чуқур ёки саёз бўлиши буюм металининг юпқа ёки қалинлигига ҳам боғлиқ. Масалан, буюмнинг метали юпқа бўлса, саёзрок ва аксинча, буюмнинг метали қалин бўлса, ўйманинг чуқурлиги ҳам чуқурроқ ўйилади. Саёз чуқурликда ўйилган ўйманинг чуқурлиги 0,2 - 0,3 ммни, ўртacha чуқурликда ўйилган ўйманинг чуқурлиги 0,5 – 0,8 ммни ва чуқур ўйилган ўйманинг чуқурлиги эса 1 - 1,5 ммни ташкил этади. Одатда ўймалар бир марта ўйилади. Бироқ жуда чуқур ўйилган ўйма тури бундан мустасно.

Жуда чуқур ўйилган ўйманинг чуқурлиги 1,5 – 2,5 ммга teng бўлиб, бундай чуқурликдаги ўйилган безакларни бир неча марта ўйиш натижасида ҳосил килинади. Мис буюмларини жуда чуқур ўйиб безатиш кандакорлик санъатининг янги ўйма усулларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда бухоролик кандакор усталар бу усулдан кенг фойдаланишмоқда. Жуда чуқур ўйиб безатилган буюмларнинг қўриниши оддий ўймакорлик ишларидан ажralиб туради. Бунинг сабаби шундаки, нақшнинг замин қисми қанчалик чуқур бўлса, ўйма

нақшлардаги соя – ёргулук ҳам шунчалик кучли бўлади. Натижада, безатилган бадинй буюмнинг кўринишига алоҳида жозиба бағишлайди.

Ясси учли пўлат қаламда нақшнинг заминини ўйиш ҳамда нақш элементларини ўйма пардозлашда ишлатилади. Бу пўлат қаламнинг ўювчи учни кўринишига эга бўлиб, мис буюмни ўйгандан ўзидан кенг энли из колдиради. Ясси учли пўлат қаламда ўйилган ўйманинг эни 3–5 ммни, ўйманинг чукурлиги 0.3–0.8 ммни ташкил этади.

Мис кандалорлигига ўйма пардоз деганда икки хил пардозлаш, яъни нақш ёки тасвирнинг заминини пардозлаш ҳамда нақш элементларни пардозлаш тушинилади. Нақш ёки тасвирнинг заминини ўйма пардозда пардозлаш 2 хил усулда бажарилиши мумкин. Биринчиси контурли ўйма усулда бўлса, иккинчиси ясси ўйма усулда ўйилгандан кейин майда нуқтали пардоз усулида безатиш мумкин. Контурли ўйма усулда 2 хил кўринишдаги ўйма пардозларни амалга ошириш мумкин. Булар майин паралел чизикли, майин катакли замин пардоз.

Дасгоҳдаги мис буюмдаги ўйма ва пардоз ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин буюмни дасгоҳдан олиб тозалаш ва пардозловчи ишлов бериш лозим бўлади. Бунинг учун мис буюмни дасгоҳга ўрнатиш жараёнидаги каби унинг устки қисмига олов сақланади. Маълум вақт ва ҳароратдан кейин дастгоҳдаги кандал эрийди. Уни эҳтиёткорлик билан омбур ёки шунга ўхшаш маҳсус қискич ёрдамида олинади. Буюмни энг якунловчи босқичида уни қумли латта билан ишқалаб ёки майин донали “000” маркали чилвир қоғоз ёрдамида тозаланади. Шундан сўнг наматли чарх станокда пардозловчи ишлов берилади. Шунда буюм тилла рангда товланиб ялтирайди. Мис буюм узоқ муддат тоза, чиройли ва ялтираб туриши учун уни рангиз локда локлаш тавсия этилади.

O'RTA ASRLARDA RASSOM MINIATURACHILARNI O'QITISH METODLARI TARIXIDAN

N.R.Abdurazoqovna - o'qituvchi, Z.Sh.Raxmatova - talaba
Tasviriyan san'at va muhandislik grafikasi kafedrasiga

Maxsus adabiyotlarni tahlil qilib, kuzatib shuni aytish mumkinki, O'rta SHarq miniatyura markazlarida (Hirot, Tabriz, Mashhad, Samarcand...) miniatyuraga o'rnatish bo'yicha aniq bir metodlar bo'lgan. Bular sex sistemasiga asoslangan: Usta-shogird. O'rGANISH jarayoni uzoq vaqt davom etgan. Shogirdlar nafaqat qalamtasvir va rangtasvirning texnik usullarini, kompozitsiya ranglar xususiyatlari haqidagi chuqur bilimlarni, grunt, lak, bo'yoq, mo'yqalam tayyorlash malakalarini, hamda materiallar texnologiyasini bilishlari talabetilgan.

O'rnatish jarayonining o'zi yoshlarda mexnatsevarlik, serhavaslik, kuzatuvchanlik, qo'lni ishlash aniqligi, nozik, badiiy did kabi sifatlarni shakllantirgan va rivojlaning. Shogird kleyster qaynatish chog'ida, lak, bo'yoq, grunt tayyorlashda, qogo'oz navini aniqlashda va hokazolarda ustaga yordam bergan. Bu amaliy ishlar jarayonida ular u yoki bu materiallarning xususiyatlarini o'rGANISHGAN va atroficha bilimga ega bo'lganlar. Bundan tashqari ular ustaxonada ishlayotgan boshqa ustalarning yonida bo'lganliklari sababli hattot, naqsh soluvchi, zarhalchi, muqovasoz

Нахта чигити күнжарасини муаллақ ҳолатда кўп боскичли мой олиш қурилмасида мой ажратиб олини жарабини моделлантириш АМИНОВ А.Ш., QULMAHMATOV B.G. Chizmachilik darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanish samaradorligi.	292
ЭЛМУРОДОВ А.С. Автоматизированное управление ковроткацким станком	295
РАХМАТУЛЛАЕВА Д. Профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларида тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш	298
ШАРИПОВ Ж.О. Влияние антифрикционных алмазоподобных (дис) покрытий на надежность процесса фрезерования без сож хромовых сплавов	300
МИРЗОЕВА И.Э., МИРЗОЕВА О.Э. География дарсларида инновацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиш	303
ОРЗИЕВ М.З., ҲОЖИМУРОДОВ Ж.Э. Россия-Афганистан: XX аср бошларида сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тарихидан	306
ҒОФУРОВ М. Технологик таълим тизимиning моддий-техник таъминотини мустахкамлаш.	311
ҲАСАНОВ Х. Электромагнитная сверхсжимаемость	314
НУРИДДИНОВА Н.З. Как выучить русский язык	326
НАЗАРОВА З.И. Таълим жараённида зиёрат туризмини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари: имконият, муаммо ва ечимлар	329
МАМАТОВ D.Q. Maktabda chizmachilik darslarida “Buyum modelini yasash” orqali o’quvchilarning fazoviy tasavvurlarini shakllantirish.	331
МУСИНОВА А.С., ҒУЛОМОВ Ш.Ж. Мис идишларни ясашнинг техник усули	332
ABDURAZOQOVNA N.R., RAXMATOVA Z.SH. O’rta asrlarda rassom miniaturachilarni o’qitish metodlari tarixidan	335
МАМУРОВ И., МАМУРОВА Д.И., АСРОРОВА М. Coreldraw — незаменимый помощник профессионалов	337
БОЛТАЕВА С. Таълим ва тарбия ривожлантириш йўллари	339
TUXSANNOVA V.R. Matoni bezash san’ati tarixi va uslublari (issiq, sovuq, tuginli batik)	341
DJURAYEVA L.R. Innovatsion pedagogik faoliyatning ta’lim sifatini oshirishdagi ahamiyati	343
АБДУРАХМОНОВ О.Р., САИДОВА М.Б. Автоматизированное управление уровнем при производстве чистой воды	348
НУРИЛЛАЕВА Н.Ш. Чет тилларни ўқитишда сифат самарадорликга эришишнинг педагогик ва психологик жиҳатлари	349
МАХМУДОВА С.Х. Ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини халқаро даражада баҳолаш	352
АЗИМОВА Н.Э., НАСИМОВА З.И. Очик таълим тизими таълим сифатини юкори кўтариш омили сифатида	355